

1889 - وَعَنْ أَبِي الْفَضْلِ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَلِّبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: شَهَدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ حُنَيْنٍ، فَلَزِمْتُ أَنَا وَأَبُو سُفْيَانَ بْنَ الْحَارِثِ بْنَ عَبْدِ الْمُطَلِّبِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ نَفَارِقْهُ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى بَعْلَةٍ لَهُ بِيَضَاءَ، فَلَمَّا تَقَى الْمُسْلِمُونَ وَالْمُشْرِكُونَ وَلَى الْمُسْلِمُونَ مُدْبِرِينَ، فَطَفَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يُكْضِبُ بَعْلَتَهُ قَبْلَ الْكُفَّارِ، وَأَنَا آخَذُ بِلِجَامِ بَعْلَةٍ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكْفُهَا إِرَادَةً أَنْ لَا تُسْنِعَ، وَأَبُو سُفْيَانَ آخَذُ بِرَكَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّ عَبَّاسُ نَادَ أَصْحَابَ السَّمْرَةِ»، قَالَ الْعَبَّاسُ، رَجُلًا صَيْنًا: فَقُلْتُ بِأَعْلَى صَوْتِي: أَيْنَ أَصْحَابُ السَّمْرَةِ، فَوَاللَّهِ لَكَانَ عَطْفَتُهُمْ حِينَ سَمِعُوا صَوْتِي عَطْفَةَ الْبَقَرِ عَلَى أَوْلَادِهَا، فَقَالُوا: يَا لَيْلَكَ يَا لَيْلَكَ، فَاقْتَلُتُهُمْ هُمْ وَالْكُفَّارُ، وَالدَّعْوَةُ فِي الْأَنْصَارِ يَقُولُونَ: يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، ثُمَّ قَصَرَتِ الدَّعْوَةُ عَلَى بَنِي الْحَارِثِ بْنِ الْحَرَرجِ. فَنَظَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى بَعْلَتِهِ كَالْمَتَاطَوِيلِ عَلَيْهَا إِلَى قِتَالِهِمْ فَقَالَ: «هَذَا حِينَ حَمِيَ الْوَطِيسُ» ثُمَّ أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَصَيَاتٍ، فَرَمَى بِهِنَّ وَجُوهَ الْكُفَّارِ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّهُمْ وَرَبِّهِمْ مُحَمَّدٌ» فَدَهَبْتُ أَنْظُرُ فَإِذَا الْقِتَالُ عَلَى هَيْئَتِهِ فِيمَا أَرَى، فَوَاللَّهِ مَا هُوَ إِلَّا أَنْ رَمَاهُمْ بِحَصَيَاتِهِ، فَمَا زِلتُ أَرَى حَدَّهُمْ كَلِيلًا، وَأَمْرُهُمْ مُدْبِرًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

«الْوَطِيسُ» التَّتَّوُرُ. وَمَعْنَاهُ: اشْتَدَّتِ الْحَرْبُ. وَقَوْلُهُ: «حَدَّهُمْ» هُوَ بِالْحَاءِ الْمُهْمَلَةِ أَيْ: بِأَسْهُمْ.

«Хунайн куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлганман. Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб иккимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юриб, у зотдан ажралмадик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам)Фарва ибн Нуфоса Жузомий ҳадя қилган(оқ хачирларида эдилар. Мусулмонлар ва кофиirlар тўқнашгач, (камончилардан катта талафот кўрган) мусулмонлар орқага чекина бошлиши. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса хачирларини кофиirlар томон никтай бошладилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хачирлари тезлаб кетмасин деб, унинг юганидан маҳкам ушлаб, тўхтата бошладим. Абу Суфён эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узангиларидан ушлаб олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аббос, Самура аҳлини* чақир!**» дедилар.

Менинг овозим жуда баланд эди. Овозим борича: «Самура аҳли қани?» деб бақирдим. Аллоҳга қасамки, улар овозимни эшишиб, (бизни) худди сигирлар болаларини ўраб олганидек ўраб олиб, «Лаббай! Лаббай!» дейишди-да, кофиirlар билан жангга ташланиши. Кейин ансорларга чақириқ бўлиб, «Эй ансорлар жамоаси, эй ансорлар жамоаси!» дейишди. Сўнг чақириқ Бани Ҳорис ибн Ҳазражга хосланиб, «Эй Бану Ҳорис ибн Ҳазраж, эй Бану Ҳорис ибн Ҳазраж!» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хачирлари устида туриб, бўй чўзиб, уларнинг жанг қилишига қарадилар ва: «**Ана энди жанг роса қизиди**», дедилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир сиқим майда тош олиб, кофиirlар томон отдилар ва: «**Муҳаммаднинг Робби билан қасамки, чекиниши!**» дедилар. Сўнг жангни ўз кўзим билан кўриш учун борсам, уруш боягидек давом этаётган экан. Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам майда тошчаларни отганлари заҳоти уларнинг қуввати кетиб, орқага қочгани ҳалигача кўз ўнгимда».

* Самура – сифатли ёғоч берадиган тиканли дараҳт. Бу ерда Самура аҳли деганда Ризвон байъати куни самура дараҳти остида байъат қилган саҳобалар назарда тутилади.

Манба: hadis.islom.uz



